



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АФҒОНИСТОН МИЛЛИЙ ЯРАШУВ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



11 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Афғонистон Исломи Республикаси Миллий ярашув олий кенгаши Раиси Абдулла Абдуллани қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик ҳамда Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал этишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда Ўзбекистон — Афғонистон муносабатларини ривожлантиришда эришилган суръатни катта мамнуният

билан таъкидлади. Амалий ҳамкорликни кенгайтириш, савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт ва логистика, энергетика, таълим ва бошқа муҳим йўналишларда устувор лойиҳаларни илгари суриш борасидаги сазой-ҳаракатлар алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Афғонистонда минтақавий аҳамиятдаги инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёр экани таъкидланди.

Абдулла Абдулла самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистоннинг афғонларга тинчлик музокараларини амалга оширишда мамлакатимиздаги Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича фаолиятини бирлаштиришга хизмат қилган сазой-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Меҳмон Ўзбекистон томонидан кўрсатилаётган доимий кўмак учун миннатдорлик билдирди ҳамда мамлакатимизнинг Афғонистонни минтақавий савдо-иқтисодий жараёнларга жалб этишга қўшаётган ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Музокаралар чоғида минтақавий ва халқаро сиёсатнинг томонларни қизиқтирган масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат чоғида давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлик “йўл харитаси”га киритилган устувор тармоқлардаги иқтисодий кооперация лойиҳаларини янада илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Худудлар ва бизнес даражасида фаол мулоқотларни давом эттириш, шунингдек, маданий-

гуманитар алмашинувларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятнинг ривожланиши юзасидан, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан, МДҲ ва ШҲТ доирасидаги мулоқотни кенгайтириш бўйича фикр алмашдилар.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

## ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Мамлакатимизда амалий ташриф билан турган Афғонистон Исломи Республикаси Миллий ярашув олий кенгаши Раиси Абдулла Абдулла қуйидагиларни гапириб берди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Афғонистоннинг буюк дўсти. Бугунги учрашувда икки томонлама алоқаларнинг барча жиҳатларини муҳокама қилдик. Афғонистонда тинчлик жараёнини ўрнатишда Ўзбекистоннинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши жуда муҳим. Биз мазкур йўналишдаги ишларни минтақа доирасида ва халқаро майдонда давом эттиришга келишимиз олди.

Куни кеча бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти сам-

митида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Афғонистон масаласини яна бир бор ўртага ташлади. Ташкилотга аъзо барча давлатларни мамлакатимиздаги тинчлик жараёни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Афғонистон фуқароси ва Кенгаш раиси сифатида халқимизни қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслари учун мамлакатимиз халқи номидан Президент Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдираман.

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING САККИЗИНЧИ ҚУРУЛТОЙИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

### Ҳурматли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг саккизинчи қурултойи очилиши билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзининг чексиз эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Сизларга яхши маълумки, **дунёдаги ҳар бир давлатнинг миллий тараққиётида, аввало, инсон меҳнати ва салоҳияти бекиёс аҳамият касб этади.**

Шунинг учун ҳам республикамизда меҳнат муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш, фуқароларимизнинг меҳнат соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини рўйбага чиқариш, бандлик масаласини ҳал этиш, камбағалликни қисқартиришга катта эътибор берилмоқда.

Ана шундай ёндашув асосида кейинги тўрт йилда ушбу йўналишдаги миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш, аҳолининг қонуний даромад топиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қўлай имкониятлар яратиш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича кенг қўллаш ишлар амалга оширилди. Шу борада биз эришган натижалар жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ каби нуфузли халқаро тузилмалар томонидан тан олинмоқда.

Буларнинг барчасида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек олижаноб мақсад йўлида 14 та тармоқ ва 14 та ҳудудий бўлимини, 5,5 миллиондан ортиқ аъзоларни бирлаштирган, жамиятимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг муносиб ҳиссаси борлигини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Дарҳақиқат, сизларнинг бевосита иштирокчингизда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, ижтимоий ёрдам ва адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг

фаоллигини ошириш бўйича кенг қўллаш ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида аҳоли ва иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларимизни амалга оширишда мамлакатимиздаги энг йирик фуқаролик институти бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари чинакам жонбозлик кўрсатмоқда.

Ушбу тизим ривожига сўнгги йилларда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилингани, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси ва бошқа халқаро тузилмалар билан яқин алоқаларни йўлга қўйганимиз, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясини аҳолининг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлашда Хукуматнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорига айланиб бораётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Айни шу асосда халқ билан самарали мулоқот олиб боришда касаба уюшмалари энг халқчил ва демократик тузилма сифатида ўзини яққол намоён этиб, иш-сиёсат ва камбағалликни қисқартириш бўйича умуммиллий ҳаракатимизда фаол қатнашмоқда.

Буюк Амир Темур бобомизнинг “**Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ — вазифангиздир**”, деган даъватига амал қилиб келаётган ташкилот фаоллари сўнгги йилларда мамлакатимиздаги 2 миллион 160 мингта оиланинг турмуш шароити билан чуқур танишиб, 650 мингта муаммони аниқлагани ва уларнинг 556 мингтаси ўз ечимини топгани, касаба уюшмалари иштирокида 7 мингта уй-жой тўлиқ таъмирлангани эътиборга молиқдир.

Шунингдек, 1400 та оила янги уй-жойлар, 28 минг оила маиший техникалар билан таъминлангани, эҳтиёжманд

оилаларга мансуб 2400 нафар беморга бепул тиббий ёрдам кўрсатилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Касаба уюшмалари федерацияси ташкил этган хайрия акцияси доирасида моддий аҳоли оғир бўлган 642 минг нафардан ортиқ киши ишга жойлаштирилгани, қарийб тўрт мингта тўйлар ўтказиб берилгани ҳам ана шундай эзгу ва хайрли ишлар қаторига кирилади.

Бундан ташқари, Федерация томонидан ишчи-ҳодимларнинг 35 мингдан ортиқ мурожаат ва шикоятлари кўриб чиқилиб, 13 минг 500 нафарга яқин фуқаронинг қонуний ҳуқуқлари тикланди, аризачилар фойдасига 13 миллиард сўмлик маблағ ундириб берилди.

Пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб куну тун фаолият юритиб келаётган Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг “ишонч телефони”га келиб тушган 50 мингдан зиёд мурожаатнинг аксарияти ижобий ҳал этилгани ҳам ушбу тизимда фуқаролар муаммолари билан ишлаш бўйича салоҳият ва имкониятлар катта эканини кўрсатади.

Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган табиий ва техноген офат оқибатларини бартараф этишда Касаба уюшмалари фаоллари аҳолига биринчилар қаторида елкадош бўлганларини таъкидлаш лозим.

Юртимизда гендер тенгликни таъминлаш тобора устувор аҳамият касб этиб бораётган ҳозирги пайтда касаба уюшмалари ҳурматли аёлларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтиришда ўрناк ва намуна кўрсатмоқда.

Шунингдек, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёш авлоднинг миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш масалалари ҳам ушбу тизим вакилларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Сизларнинг ташаббусингиз билан ички ва ташқи туризм ҳамда тиббий сайёҳликни ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Турли ташкилот ва муассасалар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, кекса авлод вакиллари, эҳтиёжманд оилаларга мансуб аёллар ва болалар, шунингдек, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, жами 800 минг киши турли йўналишлар бўйича саёҳатга олиб борилганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Албатта, ўзининг эзгу ғоялари, амалий ишлари билан жамиятимиз ҳаётига ғоят яқин бўлган ушбу халқчил тузилманинг эътибори ва ғамхўрлигини бугун юртимизда ҳар бир жамоа, ҳар бир меҳнаткаш ҳис қилиб яшамоқда. Бу — касаба уюшмалари фаолиятининг энг муҳим натижаси, десак, айни ҳақиқат бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, республикамизда тинчлик-осойишталик, меҳроқибат ва саховат, ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссангиз, фидоқорона меҳнатингиз учун сизларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

### Мухтарам юртдошлар!

Жонажон Ўзбекистонимиз янги Уйғониш ва тараққиёт даврига қадам қўйган, ана шу юксак мақсад йўлида буюк ишлар амалга оширилаётган ҳозирги кунда халқимизни янада катта марралар сари сафарбар этишда касаба уюшмаларининг роли ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Ишончим комил, мазкур қурултой касаба уюшмалари фаолиятини чуқур танқидий таҳлил қилиб, олдинда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш, иш самарасини янада ошириш бўйича янги тақдир ва ташаббусларни илгари суриш учун муҳим мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади.

Ушбу анжуман ўз сафларида миллионлаб одамларни бирлаштирган касаба уюшмалари тарихида янги даврни бошлаб беради, деб умид билдираман.

Шу муносабат билан қурултой қатнашчиларига бир тақдир билан мурожаат қилмоқчиман: Ўзбекистон касаба уюшмаларининг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги улкан ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, республикамизда 11 ноябрь санасини **Касаба уюшмалари куни** деб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шу билан бира, мазкур соҳа учун замонавий билим ва малакага эга бўлган, ижтимоий муносабатлар назарияси ва амалиётини, бу борадаги халқаро тажрибани пухта биладиган етук кадрларни тайёрлаш мақсадида **Касаба уюшмалари академиясини** ташкил этиш масаласини ҳам кўриб чиқишни тақдир этаман.

**Ҳурматли қурултой иштирокчилари!** Халқимизда “**Одам қадри меҳнат оширар**”, деган чуқур маъноли мақол бор.

Ҳақиқатан ҳам, ҳалол ва олижаноб меҳнат инсонни улуглайди, унинг оила ва жамиятда, эл-юрт ўртасида муносиб обрў-эътибор топишига хизмат қилади.

Аминманки, ўз ҳаётини шарафли вазифага — меҳнат ва меҳнат эгаларининг ҳуқуқлари муҳофазасига бағишлаган юртдошларимиз ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир.

Сизларнинг тимсолингизда биз ана шундай жонқуяр ва фидойи инсонларни кўраемиз, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли таъминлашда сизларни давлат идораларининг яқин ҳамкори ва кўмакчиси, деб биламиз.

Барчангизни бугунги анжуман билан яна бир бор қўллаб, масъулиятли ва серкирра фаолиятингизда сийҳат-саломатлик, омад ва зафарлар, қурултой ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ДАВЛАТЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Содиқ САФОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти асримиз тенгдоши. У инсоният жадал ривожланиш палласига қадам босган бир даврда ташкил этилгани бежиз эмас эди, албатта. XXI аср бўсағасида ер кўррасида кескин ва жиддий геосиёсий ўзгаришлар юз бериши. Бу вазиятда ШХТ ташкилотининг замонавий мушкул саволларига минтақамиз халқларининг муштарак жавоби бўлди, дейиш мумкин.

мажлисида иштирок этиб, илгари сурган ташаббуслари ҳам ана шу концептуал қарашни ўзида мужассам этгани билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан ҳам Ўзбекистон етакчисининг бу саммитдаги нутқи сиёсатчилар, экспертлар, тадқиқотчилар эътиборини жалб қилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида 14 та жуда долзарб, минтақавий кўламли ташаббусни айтиди. Уларнинг барчаси минтақа, ташкилотга аъзо давлатлар аҳолисини безовта қилаётган масалалар эди.

Шавкат Мирзиёев ШХТ олдида турган энг муҳим мақсад — ҳозирги пандемия шароитида савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантириш масаласини кўтарди.

Пандемия сабаб иқтисодий ҳамкорлик занжири узилиб қолди. Бу занжирни тиклаш барча мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, нутқда бу борада мақсадга эришиш йўллари ҳам аниқ айтилди. Жумладан, “ностандарт” ёндашувлардан биргаликда фойдаланиш, бунда “Ақлли қишлоқ хўжалиги”, “Яшил технологиялар” концепциясини ҳамкорликда жорий этиш зарурлигини таъкидлади.

Яна бир муҳим йўналиш — иқтисодиётни рақамлаштириш борасида муҳим тақлифларни баён қилди. Гап шу ҳақда кетганда, Ўзбекистон бу йўналишда муҳим ташаббусларни илгари суриб келаётганини эслаш ўринли. ШХТнинг 2019 йил Бишкек саммитида иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича дастур Ўзбекистон ташаббуси асосида қабул қилинган эди.

Саммитда Президентимиз илгари сурган транспорт йўлакларини ривожлантириш ташаббуси ҳам гоят долзарб аҳамият касб этади. Шунингдек, Пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳам ҳаётий зарур масала бўлиб қолмоқда. Коронавирус сабаб озиқ-овқат маҳсулотларини бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга олиб келишда муайян қийинчиликлар пайдо бўлди.

Ўзбекистон раҳбари озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик дастурини амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақлиф қилди ва бу ШХТга аъзо давлатлар томонидан ижобий баҳоланди.

Глобаллашув даврида энг муҳим масалалардан бири, бу — саноат кооперацияси. Ҳеч бир мамлакат у ёки бу товарни бошдан охиригача ўзи ишлаб чиқара олмайди. Ҳатто, йирик кластерлар ташкил қилганда ҳам бунга эришиш жуда мушкул. Шу боис, кооперация, яъни ҳам илмий, ҳам амалий ҳамкорлик низоҳатда муҳим. Президентимиз ШХТга аъзо давлатлар ишбилармон доиралари ўртасида Саноат кооперациясини рағбатлантириш дастурини қабул қилиш тарафдори эканини айтиди. Бу тақлиф халқаро экспертлар томонидан ҳаётий зарурат экани таъкидланмоқда.

Туртинчи саноат инқилоби даврида энг муҳим йўналишлардан бири — минтақамиз мамлакатларини ривожлантирган давлатлар сифатида киритиш учун аҳолининг ахборот технологияларидан хабардорлигини таъминлаш. Бу борада ҳам Шавкат Мирзиёев янги ташаббусни айтиди. Россия, Хитой, Ҳиндистон каби АКТ ривожланган давлатлар билан зарур инфратузилмани жорий этиш тақлифини билдирди.

ШХТга аъзо давлатлар учун энг муҳим масалалардан бири, бу — камбағалликни қисқартириш. Давлатимиз раҳбари бу борада илғор тажрибалардан фойдаланиш зарурлигини айтиди. Эътибор берсак, охириги йилларда Хитойда амалга оширилаётган ислохотлар самарасида 740 миллион фуқаро камбағаллик даражасидан ўрта даромадли тоифага ўтди. Умуман олганда, 2020 йил охирига келиб, Хитойда камбағалликни батамом тугатиш мақсад қилинган. Албатта, бу тажрибани ўрганишимиз керак.

Бугунги кунда мамлакатларнинг икки ёки кўп томонлама ҳамкорлигини коронавирус пандемиясига қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Саммитда Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, бугун инсоният илгари маълум бўлмаган инфекцияларга дуч келмоқда. Уларга қарши курашиш кундалик турмушимизнинг бир қисмига айланмоқда. Шу маънода, давлатимиз раҳбари юқумли касалликларнинг тарқалиши тўғрисида ахборот бўлиб самарали алмашинув тизимини йўлга қилиш тақлифи билан чиқди. Жумладан, Эпидемияга олиб келувчи касалликларга қарши кураш бўйича тиббиёт муассасалари тармоғини яратиш тақлиф этилди. Шу асосда юқумли касалликларни диагностика, профилактика қилиш, даволаш бўйича тажриба алмашиш, шифокорлар қўшма гуруҳини ташкил қилиш мумкин бўлади. Албатта, бу ниҳоятда муҳим.

Афсуски, ҳали тугамаган пандемия даврида халқаро ҳамкорлик низоҳатда самарали бўлди, деб айтолмаймиз. Демак, тегишли хулосалар чиқариб, бу борада ҳамкорликни такомиллаштириш зарур. Бунда эса Ўзбекистон ташаббусларини амалга ошириш катта аҳамият касб этади.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти учун хавфсизлик масалалари низоҳатда муҳим. Тошкент шаҳрида ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси жойлашган. Президентимиз шу тузилмани хавфсизликни таъминлаш бўйича принципал жиҳатдан янги вазифаларни халқлиги молаштириш зарурати орқиб бораётганини айтиди. Шу орқали бизни безовта қилаётган масалалар, яъни халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, экстремизмга қарши курашда ҳам ахборот алмашишуви, ҳам бошқа ҳамкорликни фаол йўлга қўйиш мумкинлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари минтақамиз хавфсизлигига доир яна бир таҳликали масалага эътибор қаратди. Бу — Афғонистондаги вазият. Шавкат Мирзиёев “ШХТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига қўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тез фурсатда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тақлифини билдирди.

Бугун Марказий ва Жанубий Осиёни боғлаб турувчи транспорт йўлакларини барпо этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Бу ШХТга аъзо мамлакатлар учун янги истиқболларни очиб шуҳбасиз. Президентимиз шу каби масалаларни 2021 йил апрель ойида Тошкентда ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Хатар ва имкониятлар” халқаро конференциясида муҳокама қилишни тақлиф этиди.

Биз ўйлаймизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу каби ташаббуслари амалга оширилиши, биринчи навбатда, минтақа мамлакатлари тараққиётини барқарорлаштиришга, ШХТнинг фаолият самарадорлигини янги поғонага кўтаришга ёрдам беради.

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИНГ МЕРОСИНИ ЯНАДА ЧУҚУР ЎРГАНИШ, УЛАР ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Хурматли ватандошлар!

Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатагон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган даврда ушбу йўналишда муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Юртимизда 2001 йилдан бундан буён 31 август — “Қатагон қурбонларини ёд этиш кўни” сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда худудлардаги олий таълим муассасалари қошида унинг бўлимлари ташкил этилди.

Маҳмудхўжа Бөхбудий, Абдулла Авлоний, Исҳоқжон Ибрагимов, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби улугъ маърифатпарвар аждодларимиз хотирасига бағишланган мухташам ҳайкаллар, музейлар бунёд этилди, ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Сиёсий қатагон йилларида ноҳақ қурбон бўлган юртдошларимизнинг номларини аниқлаш, уларнинг қолдирган меросини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари, бадийий ва ҳужжатли асарлар яратилмоқда.

Дунёда глобал хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳамда миллий ўзликни англаш ва ҳақиқий тарихимизни тиклаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётган бугунги даврда мустабид тузум томонидан шафқатсиз қатагон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндаларининг, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошларимизнинг номлари ва хотираларини абадийлаштириш, уларнинг жасорати ва матонати мисолида ёш авлодимизни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу борадаги тарихий маълумотларни ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш мамлакатимиз мустақиллиги қандай оғир ва машаққатли курашлар билан қўлга киритилганини, бугунги эркин, озод ва обод ҳаётимизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш кераклигини янада чуқур англашга хизмат қилади.

Кўп миллатли халқимизнинг фидойий фарзандлари, маърифатпарвар аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳақиқатни

тўла юзага чиқариш, уларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш, бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарасини ошириш мақсадида Давлатимиз раҳбари ана бир хайрли ва савобли ишга қўл урди.

Президентимизнинг Фармойиши билан мустақимлашчилик даврида қатагон қилинган фидойи кишилар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи тузилди. Фармойишда Ишчи гуруҳ ўз фаолиятини кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ташкил этиши лозимлиги алоҳида уқтирилган.

Мана шу масъулиятли вазифадан келиб чиқиб, азиз юртдошлар, сизларга муурожаат қиламиз:

— оилангизда, маҳаллангизда, қишлоқ ёхуд туманингизда, шаҳрингизда яшаган, қатагон қурбони бўлган кишилар ҳаёти ва фаолиятига дахлдор ҳужжатлар, улар билан боғлиқ буюмлар, яқин кишиларингиздан эшитган хотираларингиз бўлса,

— фуқаролар уруши, коллективлаштириш даври, шахсга сиғиниш йиллари ўз она юртидан қувғин қилинган, яқин ва узоқ хоризда яшашга мажбур бўлган қариндош-уруғларингиз тўғрисида маълумотлар бўлса,

— “ўзбеклар иши”, “пахта иши” деган ноҳақ айбловлар жараёнида судланган, жабр кўрган ва қурбон бўлган ақилларингиз ҳақидаги материаллар бўлса,

барча тафсилотлари, ҳужжат намуналари, исми шарифи ва манзиллари аниқ ва ҳолис ёритилган ҳолда мактуб ва бошқа жўнатмалар шаклида ёхуд шахсий муурожаат йўли билан Ишчи гуруҳ, “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди идораси, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда унинг худудлардаги олий таълим муассасаларидаги бўлимларига йўллашингизни илтимос қиламиз.

Халқ ва Ватан хуррияти, мустақиллик ва адолат тантанаси йўлида азиз жонларини фидо қилган ҳар бир ватандошимизнинг исми шарифини тиклаш ва хотирасини абадийлаштиришдаги масъулиятли ва савобли иш барчамизнинг сиёсий ва фуқаролик бурчимиздир.

Республика ишчи гуруҳининг манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 69-уй, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи.

Электрон манзил: info@muzeey-xotira.uz.

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИ ЎЗБЕКИСТОН ГЛОБАЛ МИҚЁСДА НУФУЗЛИ ДАВЛАТ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАННИ ЯНА БИР БОР ТАСДИҚЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеонамуна шаклида ўтган навбатдаги мажлисидаги нутқи халқаро экспертлар, давлат ва жамоат арбоблари томонидан юқори баҳоланмоқда.



Игорь ДЕНИСОВ, Россия Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Москва давлат халқаро муносабатлар институтининг Халқаро тадқиқотлар институти катта илмий ходими:

салаларга биргаликда мурося излашга оид тақлифи эътиборга молиқдир. Дарҳақиқат, ШХТ “умумий кун тартиби”га эга бўлиши керак. Аъзо давлатлар иқтисодиётининг турли даражадаги ривожини, минтақавий алоқалар ва глобаллашув ўртасидаги мувозанатга нисбатан турлича муносабат мавжудлигини инобатга олинса, бунга эришиш осон эмаслиги аён бўлади. Ташкилот доирасидаги сиёсий ҳамжиҳатлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш нечоғлиқ муҳим бўлмасин, ШХТ глобал жараёнларга мувофиқ бўлмоғи лозим. Шу нуктаи назардан Ўзбекистон Президентининг ШХТ ташкил этилганининг 20 йиллиги арафасида “ШХТнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги роли” мавзусидаги халқаро конференциясини ўтказиш ташаббуси ташкилотнинг минтақавий ва глобал ўлчамлари ўртасида ўзига хос кўприк ва-

зифасини бажариши мумкин. Албатта, рақамли савдонлик муаммоларига эътибор қаратиш ҳам жуда муҳим. Бинобарин, у ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик масаласини ШХТ маконидаги аҳоли манфаатлари билан узвий боғлайди ва инсон капиталининг ривожланишига ҳисса қўшади.



Владимир МЕСАМЕД, Қуддусдаги (Исроил) Яҳудий университетининг Осиё ва Африка мамлакатлари институти эксперти:

— Президент Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқида дунёнинг айрим минтақаларида ҳарбий-сиёсий вазият кескинлашаётгани, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар кучаяётганига эътибор қаратар экан, ушбу глобал хатар ва таҳдидларни яқини қўшничилик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш аънаналарини асраш ва қўлайтириш йўли билангина энг иш ўзини мумкинлигини таъкидлади. Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Покистонни бирлаштирган ШХТ дунёда кечаётган жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш бўйича улкан салоҳиятини намоян этаётир.

ШХТ ўзини турли таҳдидларга фаол қарши тураётган ва глобал муаммолар билан курашаётган кучли блок сифатида тақдим қилмоқда. ШХТ илчил равишда яратувчи ташкилотга айланмоқда, унда Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон турли тараққиёт ва

ҳамкорлик дастурларида тенг ҳуқуқли асосда иштирок этапти. 10 ноябрь кўни бўлиб ўтган ШХТ саммитида эришилган муваффақиятлар аъзо мамлакатлар раҳбарлари томонидан илгари сурилган муҳим ташаббуслар билан боғлиқ. Хусусан, Ўзбекистон Президенти пандемия даврида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва сезиларли даражада сусайган савдо-иқтисодий алоқалар ва саноат кооперациясини жонлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон раҳбари ШХТнинг барча давлатлари бирлиги доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган инқирозга қарши қўшма дастурларни тақлиф қилди.

ШХТ саммити Ўзбекистон Афғонистонда тинчликка эришининг оғир юқини ўз зиммасига олган нуфузли давлат сифатида дунё миқёсида тобора эътироф этилаётганини яна бир бор тасдиқлади. Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистон масаласини бутун ШХТ минтақаси барқарорлиги ва иқтисодий фаровонлигининг муҳим таркибий қисми, деб ҳисоблашни тақлиф қилди. Ўзбекистоннинг бу мавқеи мамлакатнинг халқаро қиёфасини сезиларли даражада мустаҳкамлашига ишонаман.

ШХТ саммити Ўзбекистон Афғонистонда тинчликка эришининг оғир юқини ўз зиммасига олган нуфузли давлат сифатида дунё миқёсида тобора эътироф этилаётганини яна бир бор тасдиқлади.



Патриция ЛАЛОНДЕ, Франциянинг Европа парламентидаги собиқ депутат:

қарши курашиш бўйича тиббиёт муассасалари тармоғини яратиш, шунингдек, 2021 йил апрель ойида Тошкентда Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида минтақавий ҳамкорлик бўйича халқаро конференцияни ташкил этиш бўйича ташаббуслари ўз вақтида илгари сурилган долзарб масалалардир. Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича қатъий позицияси ижобий баҳога лойиқлигини таъкидламоқчиман. Айнан Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистонга Марказий Осиёнинг бир қисми сифатида қарай бошлади ҳамда ушбу мамлакатни минтақавий иқтисодий жараёнларга жалб қилишга бошқалар ўрнат олса аризулик амалий тадбирларга бош-қош бўлмоқда.

“Дунё” АА



Курултой

ЮКСАК ИШОНЧГА САЗОВОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг VIII курултойи бўлиб ўтди.

Курултойни Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов бошқарди.

Курултой ишида касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳамкорлари бўлган вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, касаба уюшмаси соҳасининг масъуллари делегат сифатида иштирок этди. Шунингдек, узок йиллар ўзининг самарали, ҳалол меҳнати билан давлат ва касаба уюшмалари ривожига улкан ҳисса қўшган соҳа фахрийлари ҳам мазкур тадбирга тақдирланди.

Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси VIII курултойи иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ўқиб эшиттирди.

Мустақил Ўзбекистон тарихида давлат раҳбари томонидан касаба уюшмалари курултойи қатнашчиларига илк марта баъра бўлган мазкур тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг мамлакатининг ижтимоий ҳаётидаги улкан ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, республикамизда 11 ноябрь санасини касаба уюшмалари куни деб белгилаш, шунингдек, соҳа учун замонавий билим ва малакага эга бўлган, ижтимоий муносабатлар назарияси ва амалиётини, бу борадаги халқро тажрибани пухта биладиган етуқ кадрларни тайёрлаш мақсадида Касаба уюшмалари академиясини ташкил этиш тақдирлари билдирилди.

Давлатимиз раҳбарининг табриги соҳага оид янгидан-янг вазибаларни белгилаб олишдаги муҳим йўналиш сифатида курултой иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов "Янги Ўзбекистон — янги касаба уюшмалари: Федерациянинг 2016-2020 йиллардаги фаолияти ва миллий тараққиётнинг замонавий босқичида касаба уюшмаларининг устувор вазибалари тўғрисида" маъруза қилди.

Маърузада кейинги 4 йилда давлатимиз раҳбари томонидан барча соҳаларда олиб борилаётган туб ислохлар, инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракат ва ташаббуслар замирида халқимиз турмуш даражасини ошириш, одамларнинг эртага эмас, бугун яхши яшашини ва фаровонлигини таъминлаш каби зғу мақсадлар мўжассам экани алоҳида таъкидланди. Жамият ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ҳамюртларимизнинг ҳам онгу тафаккурида ўзгаришлар ясаётгани, уларнинг эртани кунга ишончи ва ҳаётдан розилиги тобора ортиб бораётгани алоҳида қайд этилди. Бу борада мамлакатимизда эришилаётган ютуқ ва натижалар дунё ҳамжамияти томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда.

— 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаётида унутилмас воқеалик бўлди, десак айни ҳақиқатни айтган

бўламиз, — деди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов. — Юртбошимизнинг самимий ва илиқ, ҳар бир касаба уюшмаси аъзосини Ватан равнақи, юрт тараққиёти учун сафарбарликка ундовчи сўзлари барчамизнинг қалбимизга муҳрланди, десам муболага эмас. 11 ноябрни "Касаба уюшмалари куни" этиб белгилаш тақдирланди. Бу эса Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари шаклланди, дейишга тўлиқ асос бўлади.

Дарҳақиқат, курултойда таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга оид тизимли саъй-ҳаракатларга ҳамроҳанг тарзда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ўтган ҳисобот даврида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу эса Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари шаклланди, дейишга тўлиқ асос бўлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 6 декабрда "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонун имзоланиши соҳада катта воқеа бўлди. Ушбу ҳужжат Халқро меҳнат ташкилотини томонидан юксак эътироф этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси иштирокида Халқро меҳнат ташкилотининг 4 та конвенцияси, 1 та протоколи ратификация қилинди. Ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари федерацияси, Иш берувчилар конфедерацияси ўрнатиш тақдирининг 4 та конвенцияси, 1 та протоколи ратификация қилинди. Ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари федерацияси, Иш берувчилар конфедерацияси ўрнатиш тақдирининг 4 та конвенцияси, 1 та протоколи ратификация қилинди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов "Янги Ўзбекистон — янги касаба уюшмалари: Федерациянинг 2016-2020 йиллардаги фаолияти ва миллий тараққиётнинг замонавий босқичида касаба уюшмаларининг устувор вазибалари тўғрисида" маъруза қилди.

Маърузада кейинги 4 йилда давлатимиз раҳбари томонидан барча соҳаларда олиб борилаётган туб ислохлар, инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракат ва ташаббуслар замирида халқимиз турмуш даражасини ошириш, одамларнинг эртага эмас, бугун яхши яшашини ва фаровонлигини таъминлаш каби зғу мақсадлар мўжассам экани алоҳида таъкидланди. Жамият ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ҳамюртларимизнинг ҳам онгу тафаккурида ўзгаришлар ясаётгани, уларнинг эртани кунга ишончи ва ҳаётдан розилиги тобора ортиб бораётгани алоҳида қайд этилди. Бу борада мамлакатимизда эришилаётган ютуқ ва натижалар дунё ҳамжамияти томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда.

— 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаётида унутилмас воқеалик бўлди, десак айни ҳақиқатни айтган



Ҳажим Йўлдошев олган суратлар.

саъй-ҳаракатлари билан келишувларда ижтимоий қафолатлар, соғлиқни муҳофазалаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини, шу жумладан, болаларни соғломлаштириш масалалари ўз аксини топди. Ақсарият тармоқларда уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар учун қисқартирилган (бир ҳафтада 36 соатдан ошмайди) иш вақти белгиланди. Амалдаги тармоқ келишувларининг 78 тасида қўшимча таътиллار ўрнатишга эришилди. Натижада бир қатор тармоқларда келишувлар воситасида асосий узайтирилган таътилни мўддати 18 иш кунидан 24 иш кунигача узайтирилди. Тармоқ келишувларида ишлаб чиқариш натижалари бўйича рағбатлантириш, фаолиятдаги ютуқлар учун устама ва қўшимча ҳақ, ноқулай иқлим шароитлари учун тўғри коэффициентларни тўлаш, ҳайдовчиларга класига мувофиқ қўшимча ҳақ тўлаш каби тадбирларга жиддий эътибор қаратилди.

Хисобот даврида корхона, ташкилот ва муассасалар миқёсида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Жамоа шартномаларини тузган юридик шахслар улуши 2016 йилдаги 95,1 фоиздан 2020 йилга келиб 99,6 фоизгача кўтарилди. Ходимларнинг даромадларини оширишда жамоа шартномалари аҳамиятини кўчайтириш чоралари натижасида қатор тармоқларда ходимларнинг иш ҳақи оширилган базавий ставкалар бўйича тўлашига эришилди. Эндилгида жамоа шартномалари орқали юртимиз бўйича ишлаётган касаба уюшма аъзоларининг 55 фоизи асосий узайтирилган, 51 фоизи эса қўшимча таътиллардан фойдаланмоқда. Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун республика бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга йил давомида сарфланган маблағ миқдори 2016 йилдаги 1 миллион 539 минг сўмдан 2019 йилга келиб 5 миллион 100 минг сўмга етди. Амалдаги жамоа шартномаларининг 98 фоиздан ортигига иш берувчи ташаббусига кўра, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал касаба уюшма кўмитасининг розилигини, албатта, олиш кераклиги тўғрисида банд киритилди.

Барча жамоа келишувлари ва шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида аёллар, ёшлар, ногиронлиги бор шахслар, ўз саники ёшга тўлмаган шахслар, таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олаётган ходимлар учун қўшимча имтиёзлар белгилашга эришилди. Жумладан, кўп болали аёлларга ҳамда уч ёшга тўлмаган болани тарбиялаётган аёлларга қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш, ҳақ тўланадиган ҳимматдорлик ва тўғри таътиллари кунини узайтириш, 2 ёшга бола тарбияси билан банд аёлларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, 18 ёшга тўлмаган ходимларга, шунингдек, ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган ходимларга имтиёзлар ўрнатиш, олий ўқув юрларида ўқиш учун контракт пулларини қисман тўлаб бериш, пенсионерларга коммунал хизматларга ҳақ тўлаш учун моддий ёрдам кўрсатиш, уй-жойларини таъмирлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш, ногиронларни, Чернобил АЭСдаги фалокатни бартараф этиш иштироки-

ларини, байналмиллатчи жангчиларни имтиёзли соғломлаштириш каби кўплаб ижтимоий ҳимоя чоралари қўрилди. Касаба уюшмаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларини ҳал этиш, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлашда давлат органлари билан ижтимоий шериклиги янада фаоллашди.

Касаба уюшмалари федерациясининг тармоқ дастурларига мувофиқ жамоа шартномалари ва келишувлари орқали эҳтиёжман оилалар вакиллари, ёш оилалар, аёллар, пенсионерларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини таъминлаш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва тизимли соғломлаштирилишини ташкил этиш ишлари жамоа уюшмалари, иш берувчилар ва бошқа манбалар ҳисобидан жами 1 триллион 419 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Бевосита оилалар билан мулоқот асосида уларнинг муаммоларини аниқлаш, хонадонлардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди. Хусусан, 2017 йилда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларидаги 2 миллион 160 миңдан ортиқ хонадонга борилиб, уларда 650 миңга яқин муаммо мавжудлиги аниқланди, қарийб 556,5 миң тасининг ечими бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси масъулиятида бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари билан иборат жамоатчилик комиссияси томонидан Тошкент шаҳрининг 11 та туманида уйма-уй юрилиб, аҳолининг муаммолари, маҳаллаларнинг ижтимоий ҳолати батафсил ўрганилди. Натижалар бўйича маҳаллаларнинг ҳар бирини аҳоли билан учрашув ва мулоқотлар ўтказилиб, коммунал хизматлар, ижтимоий, йул-транспорт соҳаларидаги муаммолари жойида ҳал этилди. Республикани, шаҳар ва туман миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этиш юзасидан "Йул хариталари" ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланди.

2020 йил бошида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси бўлиб қолган Шаран Барроу, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедевнинг видео табриги иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Улар томонидан қайд этилганидек, жаҳонда юз бераётган оғир пандемия шароитида ишсизлик, камбағалликнинг олдини олиш, меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоялаш борасида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган амалий ишлар кучли ижтимоий йўналтирилгани билан халқро миқёсда эътироф этилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси бу борадаги зғу ишларга самарали ва муносиб ҳисса қўшиб келаётган етакчи жамоат ташкилотларидан саналади. Бу жиҳатлар фаолияти касаба уюшмалари оид бир қатор хорижий жамоат ташкилотларининг раҳбарлари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.

Юқоридаги ишларнинг муштараклигини таъминлаш мақсадида 2020 йилнинг 7 мартдан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг куну тун ишлаб турувчи "1211" — қисқа рақамли ишонч телефони ташкил этилди. Мазкур ишонч телефонида шу кунга қадар республика бўйича 50 миңдан зиёд мурожаат келган. Уларнинг қарийб 80 фоизи ижобий ҳал этилди ва қолган 20 фоизи назоратга олинди.

Хисобот даврида меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳавфсизлик, қулай меҳнат шароитларини яратиш масаласи бўйича 16 миңга яқин бошланғич ташкилот фаолияти ўрганилиб, 61 миңдан ортиқ камчилик аниқланди. Иш берувчиларга салкам 10 миңга яқин тақдимнома киритилди. Уларнинг 92 фоизини йул қўйилган ҳато ва камчиликлар бартараф этилди. Ишчилар ҳуқуқини ҳимоялаш мақсадида судларга 132 та даъво аризаси киритилди. Ташкилот ва корхоналарда иш берувчилар билан тузилган жамоа шартномаларига мувофиқ меҳнат муҳофазаси бўйича 1 миллион 591 миңга яқин тадбир бажарилишига эришилди.

2016-2020 йилларда меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, янги ижтимоий

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Ўзбекистон Иш берувчилар конфедерацияси бошқарув кенгаши раиси Аҳмад Икромов, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Хусанов, Ўзбекистон Қўрақалпоғистон, Қўрақалпоғистон касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Улуғбек Жолмонов, "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонасининг касаба уюшмалари ташкилотини раиси Лариса Скопина ва бошқалар Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг ҳисобот давридаги фаолиятини қонқорлиқ деб топиш тақдирини киритди. Ушбу тақдир бора делегатлар томонидан тасдиқланиб, бир овоздан қабул қилинди.

Шундан сўнг кун тартибидида биринчи масала бўйича курултой қарори қабул қилинди. Назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботи делегатлар томонидан тасдиқланди.

Курултойда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари, ушбу жамоат ташкилотининг янги тахрирдаги устави, Федерация Назорат-тафтиш комиссиясининг



объектларни қуриш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўналишида ҳам салмоқли ишлар олиб борилади. Янги санаториялар қурилади, бир қатор сихат-гоҳларда замонавий қўшимча бинолар бунёд этилди. Бунинг натижасида сихат-гоҳларда қўшимча ўринлар яратиш имконияти пайдо бўлди.

Шунингдек, болаларни соғломлаштириш, аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, ёшлар билан ишлаш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва бошқа тааллуқли масалаларга оид ишлар батафсил таҳлил этилди.

Курултойда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Назорат-тафтиш комиссиясининг 2016-2020 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳам тингланди. Ҳар икки масала бўйича ўтказилган муҳокамаларда сўзга чиққан делегатлар ушбу жамоат ташкилотини фаолиятига баҳо бериш билан бирга, Назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботи бўйича ҳам ўз фикрларини билдирди.

Тадбирда Халқро меҳнат ташкилотини бош директори Гай Райдер, Халқро касаба уюшмалари конфедерацияси бош котиби Шаран Барроу, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедевнинг видео табриги иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Улар томонидан қайд этилганидек, жаҳонда юз бераётган оғир пандемия шароитида ишсизлик, камбағалликнинг олдини олиш, меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоялаш борасида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган амалий ишлар кучли ижтимоий йўналтирилгани билан халқро миқёсда эътироф этилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси бу борадаги зғу ишларга самарали ва муносиб ҳисса қўшиб келаётган етакчи жамоат ташкилотларидан саналади. Бу жиҳатлар фаолияти касаба уюшмалари оид бир қатор хорижий жамоат ташкилотларининг раҳбарлари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Бутунжаҳон сифат куни

МИЛЛИЙ СИФАТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ХАЛҚАРО МАЙДОНГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧАДИ

Ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи пайшанбасида БМТнинг Европа Сифат Ташкилоти ташаббуси билан қабул қилинган "Бутунжаҳон сифат куни"ни нишонлаш дунёнинг кўпгина давлатларида анъанага айланган.

Жаҳонда маҳсулот ва фойдаланилаётган хизмат турлари кўпайиб бораётган бугунги даврда сифат тушунчаси ҳақиқатан долзарб аҳамият касб этади. Бугун халқро майдонда ўз ўрнини мустаҳкамлашга интилаётган янги Ўзбекистонда янги сифат муҳитининг шаклланиб бораётгани ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозоридан тан олиниши,

рақобатбардош бўлишига кенг имкониятлар яратмоқда. Бу борада мавжуд талабни ошириш ва сифат инфратузилмасини шакллантириш орқали миллий маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлиги ортиб бормоқда. Бунда маҳаллий корхоналарда халқро сифат тизимларини жорий этиш, маҳсулотларни халқро стандарт талаблари асосида ишлаб

чиқаришга бўлган замонавий ёндашувлар ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Маҳсулот ва хизматларнинг сифат кўрсаткичлари хорижий экспертлар томонидан муносиб баҳоланаётгани эса ишлаб чиқарувчилардан ўз ишига креатив ёндашувни талаб этаётгани ҳам бор гап.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳсулот сифатини таъминлашда иқтисодиёт таянчига айлиниб бораётган хусусий бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш ва акредитация тизимидаги ҳамкорлик масалаларига эътибор ортиди. Натижада сифат муҳитини яратиш

орқали миллий маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлиги таъминланиб, маҳаллий саноатнинг экспорт имкониятлари кенгайиб бормоқда.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, маҳаллий корхоналаримизда ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини оширишда халқро ISO стандартларига мувофиқ сифат менежменти тизимлари жорий этила бошланди. Бу жараён юртимизда миллий сифат инфратузилмасини шакллантиришда қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Хусусан, жорий йилда озиқ-овқат саноатида 31 та, енгил саноатда 24 та, қурилиш соҳасида 26 та, кимё ва нефть-кимё саноатида 5 та, металлургия ва

машинасозликда 9 та ва бошқа соҳаларда қатор халқро сифатни бошқариш тизимларининг йўлга қўйилиши маҳсулотлар сифатини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, халқро сифат стандартлари диёримизда еттиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ва экспорт имкониятларини кенгайтиришга йўл очади. Бугунга қадар мамлакатимиздаги 57 та фермер ҳўжаликларига халқро "Global G.A.P.", мева-сабзавот еттиштириш тармоқларида 26 та "Organic", тўқимачилик корхоналарида 25 та "OEKO-TEX" стандартларининг жорий этилиши ўзимизда еттиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат ҳамда енгил саноат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини халқро меъёр талабларига олиб чиқди.



Дилшод САТТОРОВ, "Узстандарт" агентлиги бош директори

Янгича ёндашувлар

# БИТМАС-ТУГАНМАС ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

## мамлакатимиздаги шамол энергетикасининг йиллик қуввати 1 триллион кВт. соатгача электр энергиясини ташкил этади



Ҳозирда дунё бўйича олинган жами электр энергиясининг 80 фоиздан ортиғи нефть, тошқўмир, газ ёқилғилари ҳиссасига тўғри келади. Қолган қисми гидро, атом электр станциялари ва муқобил қувватлар томонидан ҳосил қилинади. Маълумки, углеводород ёқилғилари (нефть, кўмир, газ, ёнғури сланец ва бошқалар) тугайдиган табиий ресурслар бўлиб, уларнинг захираси тахминан 30-40 йил ичида ниҳоясига етади ёки кам қолади. Ўзбекистонда ишлаб чиқилаётган электр энергиясининг 90 фоизга яқини органик ёқилғилар ҳиссасига тўғри келади ва унинг яна шунча қисми газни ёқишдан олинади. Республикада газ, кўмир, нефть захиралари катта эмас ва улар йилдан-йилга камайиб борапти. Шу сабабли кўплаб мамлакатларда, шу жумладан, юртимизда ҳам муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг самарали технологияларини жорий этишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ана шулардан бири шамол энергетикаси ҳисобланади. Самарқанд давлат университети профессори вазифасини бажарувчи, география фанлари доктори Орзумурод РАХМАТУЛЛАЕВ билан бу борада жаҳондаги ҳозирги ҳолат, юртимиз салоҳияти ва ундан фойдаланиш имкониятлари хусусида суҳбатлашдик.

— Шамол, бу — қуёш нурунинг интенсивлиги, босимнинг ўзгариши туриши натижасида ҳаво массасининг ҳаракати тўғрисида ҳосил бўлади. У абдан қувват манбаи ҳисобланади. Шамолларнинг йиллик назарий захираси ер юзидagi барча энергия ресурсларидан 100 марта ортиқ бўлиб, айни вақтда дунёдаги бу турдаги барча қурилмаларнинг йиллик қуввати 660 ГВт. дан ошади. Эндиликда бу рақам яна йилга 10-15 фоизга ортиб бориши башорат қилинмоқда. Шундай экан, ўз-ўзидан муқобил энергиянинг бу тури давлатларни қайси жиҳатлари билан ўзига бунчалик жалб қилапти, унинг асосий афзаллиги нимада деган савол туғилади.

— Аввало, мазкур рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. 1 кВт. электр энергияси ишлаб чиқариш учун 0,3 куб метр табиий газ, ўртача 2,5 килограмм кўмир сарф қилинади. Боз устига кўмир асосида ишлайдиган қуввати 1 мВт. ли станция атмосферага 1 800 тонна углевод ва 13 тонна азот оксидларини чиқаради. 1 мВт. қувватли шамол генератори эса, 20 йил давомида 29 минг тонна кўмирни ёки 92 минг тонна нефтни иқтисод қилади. Шамол генераторларидан олинган қувват энг экологик тоза электр энергияси ҳисобланади.

Шу боис, шамол энергиясидан фойдаланиш дунё бўйича катта тезликда ошиб борапти. Агар 2000 йилда дунёдаги ҳамма давлатларда шамолдан 17,4 ГВт. энергия олинган бўлса, бу 2014 йилда 389,5 ГВт. ни ташкил қилди, яъни 14 йил давомида шамолдан электр энергияси олиш 20 бараварга, ундан кейинги беш йилда 272 ГВт. дан ортиққа ўсди. Тасаввур қилиясизми?

Шамолдан электр қуввати олиш бўйича Хитой давлати дунёда биринчи ўринда туради. Жаҳондаги мазкур энергиянинг қариб учдан бир қисми унинг улушига тўғри келади. АҚШ, Германия, Испания каби ривожланган давлатлар кейинги ўринларни эгаллайди. Мисол учун Германияда 2019 йилнинг биринчи ярмидаёқ, қуёш, шамол, биомасса ва сув орқали олинган электр энергияси улуши 47,3 фоизни ташкил этди. Шамол қувватлари эса, утган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоизга кўп бўлди. Дания 2020 йилда электр энергияга бўлган талабнинг яримдан ортиғини, Буюк Британия 2030 йилга бориб, бу борадаги барча эҳтиёжини шамол энергетикаси ҳисобидан қоплаши режалаштирган. Европанинг бошқа давлатларида ҳам мазкур муқобил қувват юқори тезликда ривожланмоқда.

— Бу борада юртимиз қандай имкониятларга эга? Улардан самарали фойдаланиш учун қандай жиҳатларни инобатга олиш зарур бўлади?

— Шамолдан электр энергияси олиш учун унинг ўртача йиллик тезлиги секундига 3 метрдан юқори бўлиши керак. Шу ва ундан ошган тезликдан олинган қувватлар аккумуляторда тулланади ва фойдаланиш мумкин бўлади. Тезлиги секундига 3 метрдан камроқ эсадиган шамолдан ҳам кичик қувватдаги электр энергия ҳосил қилиш мумкин, лекин ундан фойдаланиб бўлмайди.

Одатда, шамол энергетикаси бўйича шуғулланувчи компаниялар метеорологик станциялар маълумотларига асосланади. Ўзбекистондаги ана шундай қурилмаларда шамолнинг йиллик ўртача тезлиги секундига 3 метрдан кам ёки ундан бироз юқори, деб қайд қилинади. Шу сабабли кўплаб хорижий компаниялар унинг тезлиги кам, ўзини қопламайди, деган хулоса билан ишга киришмайди. Аслида шамол тезлиги бўйича республикамизда вазият бошқача. Ер юзасидан 20-30 метрдан 80 метргача баландликларда унинг йиллик ўртача тезлиги секундига 4,5 дан 5,5 метргача етади. Бунга 2014 йилда Германиянинг "GEONET" ва "Infer-COPA" компаниялари "Ўзбекидроэнерго" билан биргаликда олиб борган ўлчаш ва кузатиш ишлари исботлади. Бу юмушлар 84 метр баландликда бажарилди ва мазкур маълумотлар асосида "GEONET" томонидан Ўзбекистон худудининг шамол ресурслари харитаси тузилди.

Ундаги маълумотлар бўйича шамол секундига 5 метрдан 6,5 гача ва ундан юқори тезликда бўлган худудлар мамлакатимиз умумий майдонининг 70-75 фоизини, секундига 3 дан 5,0 метргача эсадиган жойлар 20-25 фоизни ва секундига 2,5 метрдан кам бўлган худудлар 5 фоизга яқин майдонни ташкил этади. Мазкур рақамлар республикамизнинг 95 фоиз худудда шамол энергиясидан фойдаланиш имконияти мавжудлигидан далolat беради.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергиянинг йиллик электр қуввати қуёш энергиясининг — 525 дан 760 миллиард кВт. соатгача етса, шамол энергиясиники — 1 триллион кВт. соатгача, яъни энг катта манбага эга ҳисобланади.

— Шу ўринда Самарқанд давлат университетининг олимлари, хусусан, сиз ишлаётган кафедра тадқиқотчилари томонидан олиб борилаётган ишлар ва таҳлилларига эътибор қаратасиз. Уларнинг кўп йиллик натижалари қандай илмий ва амалий хулосалар чиқаришга асос бўла олади?



